



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 11 октябрь, № 200 (6635)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига

ТАҚДИМНОМА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинади.

Жазонинг асосий мақсади ҳукм қилинган шахсларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши, яъни ҳар бир қонунбузар содир этган қилмишининг ижтимоий ҳавфлилик даражасини, жавобгарлигининг муқаррарлигини ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш зарурлигини англаб етиши ҳисобланади.

Амнистия актининг эълон қилиниши халқимизга хос инсонпарварлик, эзгулик ва раҳмдилликнинг ёрқин ифода-си сифатида, маҳкумларда қонунга итоаткорлик ҳиссини рағбатлантиради ва қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш, оиласига қайтиш ҳамда жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун яна бир имконият беради.

Шу нуқтаи назардан, амнистия акти улкан профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, муайян тоифадаги шахсларни нафақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, балки уларни давлат, бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш борасидаги бошқа қатор муҳим тадбирларни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, амнистия актининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш борасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади.

Инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, аввалги амнистия актларини қўллаш ва шахсга оид иш ҳужжатларини ўрганиш натижалари асосида, келгусида озодликдан маҳрум этиш жойларига сақлаш зарурияти йўқолганлигини, шунингдек, ёши ва соғлигини инобатга олиб, қуйидагиларни назарда тутувчи амнистия актини қабул қилиш тақдирини:

1. Ҳукм қилинган: аёлларни; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни; 60 ёшдан ошган эркакларни; чет давлатлар фуқароларини; I ва II гуруҳ ногиронларини; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахсларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно);

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларни, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахсларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган шахслар бундан мустасно);

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми қонуний қўлдан кетган маҳкумларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно);

4. Аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшдан ошган эркаклар; чет давлатлар фуқаролари; I ва II гуруҳ ногиронлари; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахсларга (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно) нисбатан барча жиноят ишларини тугатиш;

5. Амнистия актига асосан озод қилинмайдиган шахсларнинг ўталмай қолган жазо муддатини: қасддан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;

қасддан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан ортқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига қисқартириш.

Бунда, Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларнинг жазо муддатини қисқартирмаслик тақдирини қўллаш;

6. Содириг этилган жиноий қилмишларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда: узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган;

таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган;

ўта ҳавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноятлар содир этган;

Ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан амнистия актини таъбиқ этмаслик.

Шу билан бирга, таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни ҳам жазодан озод қилиш тақдирини қўллаш.

Бундан ташқари, амнистия актида асосий жазодан озод этилган маҳкумларни қўшимча жазодан озод этмаслик ҳақидаги нормани назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амнистия актини таъбиқ этиш борасида ошкоралик ва шаффоқлик таъминлашда парламент ва жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, мазкур жараёнда сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг бевосита иштирокини назарда тутиш тақдирини қўллаш.

Самарали профилактик аҳамиятга эга бўлган амнистия актининг тақдирини қўллашда шахсларга нисбатан қўлланилиши уларни тезроқ ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга мослаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳақида тақдимнома киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2016 йил 10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи йиллиги мажлисини жорий йилнинг 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида қабул қилди.

Сенаторлар Олий Мажлиси ялпи мажлисининг кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини бажарувчи Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масаланинг киритилиши муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳамда ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий

ҳожатманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қаролатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда, шунингдек, "Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Сенат Кенгаши ваколатига қараганда бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва девонининг еттинчи йиллиги мажлисга тайёрларлик қўриш бўйича ишнинг мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи йилли мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи йилли мажлиси 2016 йил 12 октябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 11 октябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Истиқлол йилларида юртимизда тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш, пахта хом ашёсини ўзимизда чуқур қайта ишлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, соҳага ихтисослаштирилган замонавий корхоналар сони тобора кўпайиб, заминимизда етиштирилаётган пахта толасининг қарийб ярми улар томонидан қайта ишланаётир.

ИСЛОХОТ



Мазкур корхона тегишли ҳужжатларга мувофиқ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 100 фоизлик улуши асосида, банкрот кор-

хона "Оқсарой тўқимачи ЛТД" қўшма корхонаси негизда ташкил этилган эди. (Давоми 4-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Партиялараро рақобат ва фикрлар хилмаҳиллиги асосида

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Замонавий демократиянинг асоси бўлган очиқ ҳамда эркин сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш, бунинг учун барча зарур шароитларни яратиш мазкур жараёнда катта аҳамият касб этапти.

Сайловлар халқнинг ўз хоҳиш-иродаси ҳамда сиёсий жараёнлардаги иштирокининг муҳим шаклидандир. Сайловларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўра, халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши, бу ирода даврий сайловларда ўз аксини топиши лозим.

Дарҳақиқат, замонавий демократик давлатларда сайловлар фуқароларнинг сиёсий жараёнда қатнашишининг ҳақиқий шакли бўлиб, ҳокимиятга сезиларли даражада таъсир кўрсатиш имконини бера-

ди ва унинг халқ олдидаги масъулиятини таъминлайди.

Сайловда сиёсий кучларнинг ўз сайловолди платформалари асосида иштирок этиши мамлакат тараққиётининг бош мезони саналади. Сайловларда сиёсий плюрализмни таъминлашдан туриб, демократик тамойилларга риоя этиб бўлмайди. Бинобарин, у ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари яқинда олий даражада ўтган учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама этдилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон делегациялари турли даражадаги амалий ташрифларининг янқунларига, устувор йўналишларда муҳим тижорат шартномалари тузилганига юқори баҳо бердилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ўзаро манфаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш, дўстлик ва яқин қўнаниқлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар.

Ў.А.

БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ:

муаммоларга тезда ечим топилмоқда

Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда мужассам эканини англаб-англабтиб яшаган. Соҳибқироннинг давлат муҳрида битилган "Куч — адолатда" ҳикмати ҳақиқатпарварлик ва ростлик инсон кучига куч қўлиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамisha ҳақгўй бўлишини англади. Ислоҳ Каримов ишлаб чиққан тараққиётнинг "Ўзбек модели" — машур беш тамойилнинг бири ҳам айнан қонун устуворлиги эди. Биринчи Президентимиз бутун фаолияти давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устуворлигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида курашди.

Шу маънода яқинда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги анъаналарнинг мантйқий давоми бўлиб, дейиш мумкин. Бугун минглаб юртдошларимиз хал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки тақдирлар билан тўғридан-тўғри мамлакатимиз Бош вазирига мурожаат қилмоқда.

Бунда мурожаатни уч усунда — 210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига кўнғироқ қилиб (кўнғироқ мамлакатимиз бўйича bepul бўлиб, ундан фақат стационар телефонга кўнғироқ қилиш нархи бўйича ҳақ олинади), pm.gov.uz манзилдаги махсус мурожаат шаклини тўлдириб ёки Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг худудий ташкилотларига бориб юбориш мумкин. Сайт (pm.gov.uz) орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушунарли ва содда тузилган. Сайтда мурожаат мақоми (жавоб берилган-берилмаганини) текшириш мумкин.

Энг муҳими, онлайн мурожаатларда электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Маълумотларга кўра, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига дастлабки кунлик мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ва тақдирлар тушган бўлса, бугун мурожаатлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Қувонарлиси, ҳозирга қадар юзлаб муаммолар тезда ўз ечимини топди.

Шу йил март ойида урганлик Зулфия Бекбергано-нованинг 25 ёшли ўғли Хуррам Қурбоннинг бош миёсида қон қўйилиш ҳолати аниқланган. Шифокорлар уни хоржида даволаштириш тавсия қилган. Муолажа учун 8 минг доллар зарур эди. 3. Бекбергано-ва ўтган вақт мобайнида миллий валютани хоржий валютага конвертация қилиш бўйича Хоразм вилоятидаги қатор банкларга мурожаат қилган. Муолажа учун 8 минг доллар зарур эди. 3. Бекбергано-ва ўтган вақт мобайнида миллий валютани хоржий валютага конвертация қилиш бўйича Хоразм вилоятидаги қатор банкларга мурожаат қилган.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

Тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони кенг жамоатчилик вакиллари томонидан катта мамнуният ҳамда миннатдорлик билан кутиб олинди.

Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ҳамда унинг дахлсизлиги қаролатининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият юритишлари учун барча зарур шарт-шароитни яратиш, умуман олганда, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида қабул қилинган мазкур ҳужжат соҳа тараққиётига хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Мухбирларимиз ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида парламент аъзолари, мутахассислар ҳамда тадбиркор-

ларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Қодир Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, у ички ҳамда ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи омилга айланади.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 4-шаҳар клиник шифонаси тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА ЭЛ ХИЗМАТИДА

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. 4-шаҳар клиник шифонаси пойтахтимизнинг Яшнобод, Бектемир, Миробод,

тўғрисидаги қарори асосида ушбу тиббиёт муассасида босқичма-босқич қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу ишларга 27 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди.

— дейди 4-шаҳар клиник шифонаси бош шифокори Солиқ Алимов. — Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш муҳим вазифамиздир. Шу мақсадда диагностика ва даволаш амалиётига ҳаҳон тиббиётнинг янги услубларини татбиқ этиш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Шифонамизда Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва бир қатор ихтисослаштирилган марказларнинг махсус кафедралари жойлашгани илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантириш, тиббиёт ютуқларидан оқилона фойдаланишда муҳим омили бўлаётди.

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Мирзо Улуғбек, Сергели туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги инвестиция дастури

Реконструкция ишлари натижасида клиниканинг барча бўлими замонавий қиёфага кирди. Биноларнинг атрофи тубдан ободлаштирилиб, яшил ҳудудлар барпо этилди. Барча бўлим ҳаҳон тиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари асосида янги тиббий диагностика воситалари, жиҳозлар билан таъминланди. Замонавий УТГ, МСКТ, рентген, лапароскопик воситалар, физиотерапия муолажаларини ўтказишда қўлланадиган тиббий асбоб-ускуналар бунга мисолдир.

— Муассасамиз аҳолига тиббиётнинг барча йўналиши, хусусан, тез ва шойинч тиббий ёрдам кўрсатиш борасида энг замонавий шароитларга эга бўлди,

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси БШ вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Цехлар Япония, Швейцария ва АКШдан келтирилган замонавий технология ускуналар билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш юқори даражага кўтарилди. Шунингдек, калава ип ўрашга мўлжалланган қоғоз конуслари ҳам шу ерда тайёрлана бошланди.

Умуман, бу ерда 2009 — 2014 йиллар мобайнида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижа-

сида янги иш ўринлари яратилиши бораборида, теҳамкорликка эришилди, экспорт имконияти сезиларли даражада ошди.

— Техник ва технологик янгиланишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди корхона иқтисодчиси Дилбар Юлдашева. — Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаҳми 400 тоннага оширилди, ишчи-ҳодимларимиз сони эса 500 нафарга етди.

Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш

борасидаги саъй-ҳаракатлар жадал давлом эттирилмоқда. Хусусан, яқин йиллар ичида янги турдаги калава ип тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. Лойиҳага кўра, ушбу маҳсулотлар қайта ишланиб, бўялан ҳолда буюртмачиларга етказиб берилди. Бу эса келгуси йилда ишлаб чиқариш ҳаҳмини янада кўпайтириш имконини беради.

А.ХАЛҚ МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжалиқлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўла-

надиган мол-мулк ҳамда ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига эtib белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

«Universal aukstion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф ётади.

2016 йил 26 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ангор тумани СИБ томонидан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 13 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 45-97 СН бўлган, «МТЗ-80Х» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 19 013 778 сўм.
* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами СМ 98-30 бўлган, «МТЗ-80 ХА» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 20 903 346 сўм.
* ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 2 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 W 149 СА бўлган, «Тисо» русумли.

Бошланғич баҳоси — 5 453 653,50 сўм.
* ЖИБ Ангор тумани судининг 2016 йил 29 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30-29 НТ бўлган, «Т-28х4» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 10 515 728,70 сўм.
* ЖИБ Ангор тумани судининг 2016 йил 4 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 P 403 FA бўлган, «Москвич-412» русумли.

Бошланғич баҳоси — 456 000 сўм.
* ЖИБ Ангор тумани судининг 2015 йил 20 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 G 85-19 бўлган, «ГАЗ-24» русумли.

Бошланғич баҳоси — 2 834 352 сўм.
* Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 26 декабрдаги 19-1103/20572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани СИБда сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АЕ 469 бўлган, «Matiz» русумли.

Бошланғич баҳоси — 8 189 910 сўм.
* Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Денов тумани судининг 2016 йил 3 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани ИИБ ИХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат

рақами 75 O 824 DA бўлган, «ВАЗ-21011» русумли.
Бошланғич баҳоси — 1 693 620 сўм.

* Термиз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қизилқум тумани судининг 2014 йил 2 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани ИИБ ИХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 V 654 DA бўлган, «Damas» русумли.

Бошланғич баҳоси — 9 592 510,05 сўм.
* ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 25 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 717 EA бўлган, «Lacetti» русумли.

Бошланғич баҳоси — 34 770 000 сўм.
* ФИБ Термиз туманлараро судининг 2013 йил 19 апрелдаги 1-872-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 20x40 см.дан иборат 4914 дона бетон гишт.

Умумий бошланғич баҳоси — 4 599 504 сўм.
Мулклар 2016 йил 26 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

2016 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Ангор тумани СИБ томонидан ЖИБ Ангор тумани судининг 2016 йил 4 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 O 47-18 бўлган, «Dogan» русумли.

Бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм.
* ФИБ Термиз туманлараро судининг 2013 йил 23 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 D 844 EA бўлган, «Nexia» русумли.

Бошланғич баҳоси — 27 690 000 сўм.
* Термиз тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 25 декабрдаги 1-5504-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Салиобод» МФЙ ҳудудида сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 420 JAA бўлган, «Spark» русумли.

Бошланғич баҳоси — 30 500 000 сўм.

Ўзбекистон дзюдочилари Гран-при фолиби



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 6 олтин, 3 кумуш ҳамда 11 бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

ФАХР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз дзюдо федерацияси, Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан ташкил этилган мусобақада 15 давлатнинг 135 спортчиси совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Қойдага кўра, ўз вази тоифасида олтин медалга эгалик қилган дзюдочи 300, кумуш медаль соҳиб 180, бронза медални қўлга киритган атлет эса 120 рейтинг очкосига эга бўлди.

Биз турнирнинг дастлабки кунларидаги натижалар ҳаҳида газетамизнинг аввалги сонида маълумот берган эдик. Мусобақанинг сўнгги кунинда ҳам вакилларимиз ажайиб галабаларни қўлга киритиб, мухлисларга оламолам кувонч улаштирди. Жумладан, 90 килограммгача бўлган вази тоифасидаги иштирокчиларнинг финал баҳси икки нафар тажрибали спортчимиз — Яҳё Имомов ҳамда Давронбек Сатторов ўртасида кечди. Аслида шунинг ўзи ҳам дзю-

дочиларимиз салоҳиятини яққол ифодалади. Чунки бундай мусобақаларда ҳал қилувчи босқичга етиб бориш осон эмас. Яҳё учун мазкур турнирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор эди. Яъни у шу пайтгача беллашувларда 81 килограммгача вази тоифасида қатнашиб келаётганди. Энди бир оз юқориқоқ вазига ўтгани боис мутахассислар ҳам натижа қандай бўлишини кизиқиш билан кузатишди. Кескин ва муросасиз ўтган баҳсда Яҳё фолиб чиқди. Даврон кумуш, яна бир вакилимиз Муҳаммадқарим Хуррамов бронза медални қўлга киритди.

100 килограммгача оғирликдаги полвонлар мусобақасида ҳамортимиз Соиб Курбонов барча рақибини мағлуб этиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Ўтган йили Ўзбекистон пойтахти Улан-Баторда ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда бронза медалга сазовор бўлган иқтидорли спортчимиз Эркин Дондёрров

Тошкентда ҳам учинчи ўринни эгаллади. Яна бир бронза медални 100 килограммдан ортиқ бўлган вази тоифасида қатнашган Болтабой Болтаев қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида Кумуш Йўлдошева терма жамоамизга навбатдаги бронза медални тақдим этди.

Айтиб ўтганимиздек, Гран-при туркумига кирувчи турнир Халқаро дзюдо федерацияси тақвимидан жой олган йирик мусобақа ҳисобланади. Шу боис ушбу баҳсларни бутун дунёда доимо катта кизиқиш билан кузатишади. Тошкентда кечган беллашувларнинг ҳам ҳар бир куну жаҳонга машҳур телеканаллар, спорт нашрлари, интернет сайтларида кенг ёритилди. Масалан, янгилуқларнинг 14 тилда 150 дан ортиқ мамлакат (Европа, Африка, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Яқин Шарқ давлатлари ҳамда Австралия)га узатадиган «Евроньюс» телеканалли спортчиларимизнинг маҳоратига алоҳида урғу бериб, «Ўзбек атлетлари»нинг медаллар фестивалини, «Ўзбекистонлик курашчилар учун самарали кун», «Мезобларнинг сўзсиз устунлиги» каби қатор сарлавҳалар остида эфирда ҳамда расмий сайтда хабарлар тақдим этди. Улардан биринда шундай дейилади: «6 та олтин, жами 20 медаль — Ўзбекистонлик дзюдочилар

шундай юқори натижа билан мухлисларини хурсанд қилди. Эришилган галабага, айниқса, ёш полвонлар муносиб ҳисса қўшди. Бу мамлакатда тажрибали атлетлар ортидан яна бир янги авлод дзюдочилари етишиб чиқаётганидан далолат беради. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ютуқлари муσταқиллик қўлга киритилган 1991 йилдан буён худди геометрик прогрессия тарзида мунтазам юқсалиб бораёпти». Ўз навбатида, телеканал мухбири «Ўзбекистон» спорт мажмуасидаги ажайиб муҳит, яъни дзюдо илосмандларининг иштирокчилари астойдил, зўр иштиёқ билан қўллаб-қувватлаганига ҳам эътибор қаратган.

Дзюдо янгилуқларини ёритиб борадиган www.judoinside.com сайти вакилларимиз иқтидори алоҳида эътибор этилган бир неча материаллар жойлаштирди. Хусусан, «Ўзбекистонлик Муҳриддин Тилолов ушбу турнирда илк бор қатнашганига қарамай, уни тўхташиб бўлмади», «Яҳё Имомовнинг янги вази тоифасидаги муваффақиятли стартини», «Соиб Курбонов ҳамон энг кучли» сингари сарлавҳалар билан эълон қилинган хабарларни ўқиб, кечкис гуруҳ ҳамда ифтихор ҳиссини туяси. Бундай иллик муносабатларни қўллаб келтириш мумкин.

Тошкент Гран-присида 3 олтин, 2 кумуш, 5 бронза медаль билан Қозғоғистон терма жамоаси иккинчи, улардан фақатгина битта бронза медаль ҳам жамғарган Россия дзюдочилари эса учинчи ўринни эгаллади.

Шу тарихқа пойтахтимиз мезбонлик қилган яна бир нуфузли спорт анжумани якунланди. Осиё дзюдо уюшмаси раиси Обейд Ал-Анзий таъкидлаганидек, Ўзбекистон йирик халқаро мусобақаларни ташкиллаштириш борасида бой тажрибага эга экани айни мана шу Гран-прининг юксак савияда ўтказилгани мисолида ҳам яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

рақами 75 Z 445 BA бўлган, «Nexia DOHC» русумли.
Бошланғич баҳоси — 31 250 000 сўм.

* Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 28 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани МТП АЖДА сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 89-09 СМ бўлган, «Magnum-8940» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.
* 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 89-10 СМ бўлган, «Magnum-8940» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.
* 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 89-11 СМ бўлган, «Magnum-8940» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.
* Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 1-192-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани СИБда сақланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 AA 214 бўлган, «МТЗ-82» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2016 йил 26 октябрдаги савдо учун — 2016 йил 24 октябр куни соат 16.00, 2016 йил 11 ноябрдаги савдо учун — 2016 йил 9 ноябрь куни соат 16.00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal aukstion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204932168018, МФО: 01063, СТИР: 302083379.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закатал пули тўланганлиги ҳаҳида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Манзил: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
Телефон: (+99876) 223-25-55.

Гувоҳнома № 004059.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 040 нусхада босилди, ҳаҳми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳаҳидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6